

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЙРАПЕТОВА АЛЁНА ГЕННАДЬЕВНА**

**ЁШЛАРДА НОТЎҒРИ ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология. Шахс психологияси  
(психология фанлари)

**ПСИХОЛОГИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2017**

**Психологик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
psychological sciences**

**Айрапетова Алёна Геннадьевна**

Ёшларда нотўғри диний тушунчаларни шакллантирувчи шахс  
хусусиятлари ..... 3

**Айрапетова Алёна Геннадьевна**

Личностные особенности, формирующие религиозные предубеждения  
молодежи..... 25

**Ayrapetova Alyona Gennadyevna**

Personality particularities, forming religious prejudices of youth .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЙРАПЕТОВА АЛЁНА ГЕННАДЬЕВНА**

**ЁШЛАРДА НОТЎҒРИ ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология. Шахс психологияси  
(психология фанлари)

**ПСИХОЛОГИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2017.3.PhD/Psi35 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [ik-falsafa@nuu.uz](mailto:ik-falsafa@nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбари:**

**Сафаев Нуриддин Салихович**  
психологик фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Мухамедова Дильбар Гафуржановна**  
психологик фанлар доктори

**Кодиров Камолиддин Ботирович**  
психологик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ислом университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «30» декабрда соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «16» декабрда тарқатилди.  
(2017 йил «16» декабрдаги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Г.Б.Шоумаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, психол.ф.д.,  
профессор

**А.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н.

**Д.Г.Мухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, психол.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган, тахликали даврда яшаётганлигимизни, бир томондан ғоявий тахдидлар – ахборот хуружи, миссионерлик ҳаракатлари, айниқса, диний экстремизм ва фанатизм ёшлар онгига ўз таъсирини ўтказаетганлиги бўлса, иккинчи томондан терроризм ва дин ниқобидаги сиёсий экстремизм, аллақачон миллий, этник, диний ва ҳудудий хусусиятини йўқотиб, халқаро муаммога айланганлигини кўришимиз мумкин. Нотўғри диний тушунчаларга асосланган диний экстремизм ва фанатизм муаммоси учинчи минг йиллик бошига келиб энг устувор ва оғриқли муаммога айланди. Диний фанатизмнинг энг катта хавфи шундан иборатки, ундан диний ижтимоийлашувнинг илк босқичларида турган ёшларнинг онги ва хулқ-атворини бошқариш омили сифатида фойдаланиш мумкин.

Жаҳон миқёсида терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича кўплаб мамлакатлар ва бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 18-20 сентябр кунлари Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган БМТнинг 72-сессияси Бош Ассамблеясида иштирок этган 193 та давлат раҳбари нутқида асосан диний экстремизм, халқаро терроризм, этноцентризм ва ахлоқсизлик каби глобал муаммоларга эътибор қаратилди. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятларидан бири бўлган ёшларнинг ижтимоий-психологик муҳитида нотўғри диний тушунчаларнинг ролини ўрганиш, улғайиб бораётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий мустақиллик ғояси, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама – жисмоний, маънавий ва ахлоқий камолотга етиши учун барча шароитларни яратишга катта эътибор берилган. Бугунги кунда мазкур масала алоҳида, жумладан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларда кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 20 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи «Халқ сўзи», 2017 й, 23 сентябрь №192 (6886).

комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш назарда тутилган<sup>2</sup>. Шу боис, ёшларнинг ижтимоий-психологик муҳитида нотўғри диний тушунчаларнинг ролини ва улардан тўғри фойдаланиш хусусиятларига оид психологик тадбирларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда 1998 йил 1 майдаги 618-И-сон «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган диний ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилишнинг концептуал йўналишларини акс эттиради, шунингдек маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқотда кўтарилган муаммо Ислоннинг конфессиал диний ақидаларини билишга асосланган юксак маънавиятни, дунёвий қарашларга асосланган барқарор фуқаролик позициясини, диний толерантликни шакллантиришнинг, ёшлар орасида ксенофоб мақсадлар ва диний экстремизмни олдини олишнинг илмий йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларда нотўғри диний тушунчаларни юзага келтирувчи шахс хусусиятларини назарий ва эмпирик тадқиқ этишни ташкил этишда, мазкур диссертация иши доирасида—С.Московичи<sup>3</sup> томонидан ишлаб чиқилган шахснинг ижтимоий бирхиллиги сифатидаги диний бирхиллик концепцияси, И.С.Шеметнинг<sup>4</sup> руҳиятга интегратив ёндашув методологияси, Г.Олпорт<sup>5</sup> таклиф этган диннинг «кўп омилли» психологик илдизлари назарияси, А.Г.Асмолов<sup>6</sup>, Г.Л.Бардиер<sup>7</sup>, Г.У.Солдатова<sup>8</sup> каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган шахслараро муносабатларда толерантликни тадқиқ этишга ёндашувлар, нотўғри тушунчаларнинг келиб чиқиши табиатини ўрганишга илмий ёндашувлар; А.Фрейд<sup>9</sup>, Г.Блюмнинг<sup>10</sup>, нотўғри тушунчалар

<sup>2</sup>2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 206 б.

<sup>3</sup>Московичи С. Социальная психология. - СПб.: Питер, 2008. - 372 с.

<sup>4</sup>Шемет И.С. Методика исследования религиозности // Психология XXI столетия / под ред. Козлова В.В. Ярославль: МАПН, 2007. -Т. 2. - с. 303-304.

<sup>5</sup>Allport G.W., Ross J. M. Personal religious orientation and prejudice. Journal of Personality and Social Psychology, 1967 № 5.- р. 432-443.

<sup>6</sup>Напутик толерантноумознанию / Подред. А. Г. Асмолова. - М.: МГУ. - 2000. - с. 177-239.

<sup>7</sup>Бардиер Г.Л. Социальная психология толерантности. - СПб.: Издательство СПбУ, 2005. - 120 с.

<sup>8</sup>Солдатова Г.У., Кравцова О.А., Хухлаев О.Е. и др. Психодиагностика толерантности // Психологи о мигрантах и миграции в России: инф. – анализ. Бюллетень. – М., 2002. - № 4. – с. 59-65

<sup>9</sup>Фрейд А. Эго и механизмы защиты / Пер. с англ. и нем. М.: ООО Апрель-Пресс; ЗАО Изд-во ЭКСМО-Пресс, 1999. с. 115-244.

<sup>10</sup>Блюм Г. Психоаналитические теории личности / Перевод А.Б. Хавина. - М.: КСП, 1996. - 182 с.

шаклланишининг психодинамик назарияси, Т.Адорнонинг<sup>11</sup> «авторитар шахс» концепцияси, М.Шерифнинг<sup>12</sup> гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёндашуви, Г.Тэджфелнинг<sup>13</sup> ижтимоий бирхиллик назарияси, нотўғри тушунчаларни ижтимоий акс этиши назарияси ҳамда нотўғри тушунчалар ривожланишининг ижтимоий-когнитив назарияси бошланғич назарий-услубий асос қилиб олинди.

И.Дзялошинский<sup>14</sup>, М.Мацковский<sup>15</sup>, Б.Риэрдоннинг<sup>16</sup> илмий ишларида ифодаланган жамиятда толерант ва интолерант хулқ-атвор шакллари намоён бўлишига ижтимоий омилларнинг таъсири шарҳлаб берилди. И.В.Абакумова<sup>17</sup>, Л.А.Аксёнова<sup>18</sup>, П.Ф.Комогоров<sup>19</sup>, Л.А.Шайгерова<sup>20</sup> ишларида баён қилинган толерантликнинг психологик-педагогик жиҳатларига нисбатан илмий ёндашувлар кўриб чиқилган.

Маҳаллий даражада маънавиятни ривожлантиришдаги ижтимоий-психологик ёндашувларни ўрганиш, этнопсихология муаммоларини аниқлаш, ҳар томонлама уйғун камол топган шахсни тарбиялашга ижтимоий омилларнинг таъсири, диний саводхонликни ошириш масалалари билан шуғулланаётган психолог олимларимиз З.Абдурахманова<sup>21</sup>, Ш.Баротов<sup>22</sup>, Э.Гозиев<sup>23</sup>, М.Давлетшин<sup>24</sup>, А.Жабборов<sup>25</sup>, В.Каримова<sup>26</sup>, Б.Кодиров<sup>27</sup>, Н.Сафаевнинг<sup>28</sup> илмий ишлари таҳлил қилинган.

С.К.Бондырева<sup>29</sup>, С.Л.Братченко<sup>30</sup>, А.М.Двойнин<sup>31</sup>, Е.Ю.Клепцова, М.Н.Кузнецова<sup>32</sup>, Г.Маркузе<sup>33</sup>, В.Д.Менделевич<sup>34</sup>, Г.У.Солдатова<sup>35</sup>,

<sup>11</sup> Адорно Т. Исследование авторитарной личности. - М., 2001. - 416 с.

<sup>12</sup> Шериф М. Психология социальных норм. Минск: Асар. - 2005. - с. 324 с.

<sup>13</sup> Tajfel H. Human groups and social categories: Studies in social psychology. - Cambridge. Univ. Press. 1981. - p. 216.

<sup>14</sup> Дзялошинский И.М. О некоторых причинах интолерантного поведения // Век толерантности: Научно-публицистический вестник. - № 3-4. - 2012.

<sup>15</sup> Мацковский М.С. Толерантность как объект социологического исследования // Межкультурный диалог: исследования и практика / Под ред. Г.У. Солдатовой, Т.Ю. Прокофьевой, Т.Л. Лютой. - М.: Центр СМИ МГУ им. М.В.Ломоносова, 2004.

<sup>16</sup> Риэрдон Б.Э. Толерантность - дорога к миру. - М.: Бонфи, 2001. - 303 с.

<sup>17</sup> Абакумова И.В. О становлении толерантной личности в поликультурном образовании // Вопросы психологии. 2003. № 3. с. 78-82.

<sup>18</sup> Аксёнова Л.А., Кавун Л.В., Меньшикова Л.В., Шемелина Л.В. Психология личности. Психолого-педагогические аспекты толерантности: учебное пособие. - Новосибирск: Издательство НГТУ, 2014. 160 с.

<sup>19</sup> Комогоров, П.Ф. Формирование толерантности в межличностных отношениях студентов ВУЗа: дис. ... канд. пед. наук / П.Ф. Комогоров. - Курган, 2000. - 184 с.

<sup>20</sup> Шайгерова Л.А. О смыслах понятия «толерантность» // Век толерантности. Научно-публицистический вестник. - М.: МГУ, 2001. с. 8-18.

<sup>21</sup> Абдурахманова З.Э. Ёшларда миллий бирлик туйғуси шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.фан. ном. ... дис. - Т., 2006. - 129 б.

<sup>22</sup> Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишининг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: Псих.фан. док. ... дис. - Т., 1997. - 301 б.

<sup>23</sup> Гозиев Э.Г. Онтогенез психологияси. - Т.: ЎЗМУ. - 2010. - 11-12 б.

<sup>24</sup> Сафаев Н.С., Давлетшин М.Г. Этнопсихологиянинг долзарб муаммолари / Методик кўллама. - Т.: ТДПУ, 2001. - 16 б.

<sup>25</sup> Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. - Т.: Заркалам, 2006. - 48 б.

<sup>26</sup> Каримова В.М. Ижтимоий психология. - Т.: "Fanvatexnologiya". 2012. - 172 б.

<sup>27</sup> Кодиров Б.Р. Ташхис марказлари ва психологик хизмат масалалари // Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. - Т., 1998. - 16-19 б.

<sup>28</sup> Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. - Ташкент, 2004. - с 82.

<sup>29</sup> Бондырева, С.К. Толерантность (введение в проблему) / С.К. Бондырева, Д.В. Колесов. - М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: НПО «МОДЭК», 2003. - 240 с.

С.Бауман, Е.Муллен<sup>36</sup> ишларида ўз аксини топган диний нотўғри тушунчалар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган.

С.Аш<sup>37</sup>, Е.Ф.Бажин<sup>38</sup>, П.Вандерхайден<sup>39</sup>, В.М.Звоников<sup>40</sup>, Н.Д.Левитов<sup>41</sup>, Ц.П.Короленко<sup>42</sup>, С.Милграм<sup>43</sup>, Н.С.Розенцвейг<sup>44</sup>, А.М.Эткинд томонидан ўрганилган баъзи бир шахс хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А1-103 рақамли «Олий таълим тизими кадрларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш (хорижий илфортехнологиялар асосида)» (2017–2019 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ёшларда диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишини белгилаб берувчи шахс хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диний эътиқод ва диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланиши омили сифатида шахс тақвадорлигини ўрганиш;

диний нотўғри тушунчалар шаклланишининг асоси сифатида мақсадлар ва стереотиплар моҳиятини ўрганиш;

нотўғри тушунчалар моҳиятини ва уларнинг шаклланиши механизмларини аниқлаш;

диний нотўғри тушунчалар шакллари таҳлил қилиш;

---

<sup>30</sup>Братченко С.Л. Толерантность как норма образовательной и гуманитарной экспертизы // Вопросы психологии. 2002. № 1. с. 135.

<sup>31</sup>Двойнин А.М. Психология верующего. Ценностно-смысловые ориентации и религиозная вера личности: монография / А.М. Двойнин. – СПб.: Речь, 2011. – с. 41

<sup>32</sup>Кузнецова М.Н. Религиозный фанатизм: понятие, сущность и пути преодоления: автореф. дисс...канд. филос. наук: 09.00.11 / Марина Николаевна Кузнецова. – Омск., 2003.– с. 78.

<sup>33</sup>Marcuse H. Repressive Tolerance// A Critique of Pure Tolerance. By Robert Paul Wolff, Barrington Moore, Jr., and Herbert Marcuse. Boston: Beacon Press, 1969. 123 p.

<sup>34</sup>Руководство по аддиктологии / под ред. В. Д. Менделевича. - СПб. : Речь, 2007. - 766 с.

<sup>35</sup>Солдатова Г.У. Толерантность и интолерантность - две грани межэтнического взаимодействия // Век толерантности. Выпуск №1,- М. 2001.

<sup>36</sup>Bauman S., Mullen E. Political Tolerance and Coming to Psychological Closure Following the September 11, 2001, Terrorist Attacks: An Integrative Approach // Personality and Social Psychology Bulletin, Vol. 30 No. 6, 2004.

<sup>37</sup>Аш С. Влияние группового давления на модификацию и искажение суждений // Пайнс Э., Маслач К. «Практикум по социальной психологии. - СПб.: Лира, 2000. - 289 с.

<sup>38</sup>Бажин Е.Ф., Гольнкина Е.А., Эткинд А.М. Метод исследования уровня субъективного контроля // Психологический журнал, 1984. - Т. 5. - № 3. С. 27-36.

<sup>39</sup>Vanderheyden P. Religious addiction: the subtle destruction of the soul // Pastoral psychology, 1999. V.47, № 4.p.293-302.

<sup>40</sup>Звоников В.М., Пфаф В.Ф. Психологические и психофизиологические детерминанты внушаемости // Актуальные вопросы клинической железнодорожной медицины: Научные труды сотрудников ЦКБ МПС РФ. М.: 2000. - т.9. - с. 13-24.

<sup>41</sup>Левитов Н.Д. Фрустрация как один из видов психических состояний // Вопросы психологии. - 1967. - № 6. - с. 118-129.

<sup>42</sup>Короленко Ц.П. Аддиктивное поведение // Обозрение психиатрии и медицинской психологии, 1991, №1, с. 8-15.

<sup>43</sup>Milgram S., Sabini J. On maintaining social norms: A field experiment in the subway / Blumberg H., Hare A., Kent V., Davies M. (eds.). Small group and social interactions. Vol. 1. London, 1983.

<sup>44</sup>Розенцвейг С. Психодиагностика. - М.: Знание, 2004. - 434 с.



ёшларда диний нотўғри тушунчалар шаклланишига таъсир қилувчи шахс хусусиятларини ажратиш, эмпирик тадқиқотнинг хусусий гипотезаларини ишлаб чиқиш;

тадқиқот методикаларини танлаб олиш, эмпирик тадқиқот хусусий гипотезаларини текшириш;

илмий тадқиқот маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш;

диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига кўмаклашувчи шахс ҳислатлари иерархиясини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот хулосаларини таърифлаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** турли даражада диний толерантликка эга ва тегишинча, диний нотўғри тушунчалар шаклланишига олиб келадиган шахс хусусиятлари турли диапазонда ифодаланган 18дан 30 ёшгача бўлган 430та респондентлардир.

**Тадқиқотнинг предмети:** диний нотўғри фикрлаш ва унинг шаклланишига кўмаклашувчи шахс хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқот жараёнида психологик тестлаш, рағбатлантирувчи материалнинг психометрик баҳоси, математик статистика усулларида, ахборот-таҳлилий усуллардан, олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш, статистикава миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

диний нотўғри тушунчаларга эга ёшларга паст диний саводхонлик, таъсирга берилувчанлик, баланд конформлилик, экстернал локус назорати, фрустрация, демонстративлик, хавотирли, таъсирланувчан, дистим ва параноялик типлари бўйича акцентуациялар борлиги, диний аддикция каби шахс ҳислатлари хослиги исботланган;

ёшларда диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига ижтимоий омиллар таъсир кўрсата олиши асосланган;

шахс ҳислатлари миқдорий диапазонларда намоён бўлганда диний нотўғри тушунчалар ҳосил бўлишига олиб келиши далилланган;

шахс ҳислатлари ичида яққол ифодаланган ва бир нечта кучли ифодаланган фазилатлар ажратиб кўрсатилган ва улар асосида диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашадиган шахс хусусиятлари иерархияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ёшларда диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашувчи шахс ҳислатлари аниқланган;

ижтимоий-демографик мезонлар бўйича статистика маълумотлари диний интолерантлик билан боғлиқликда келтирилган;

тақвадорлик даражаси юқори шахснинг, шунингдек диний-экстремистик фаолиятга жалб қилинган ёки бундай фаолиятга алоқадор шахсларнинг характериологик хусусиятлари очиқ берилган;

диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига мойилликни белгилаб берувчи баъзи бир типологик белгилар аниқлаштирилган;

илмий адабиётларни ҳамда амалий йўналишдаги баъзи бир материалларни таҳлил қилиш асосида «Диний толерантлик» ва «Диний саводхонлик» шкалалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган;

тақвадорликка мойилликни аниқлаш учун «Мультиомилли сўровнома» ишлаб чиқилган;

диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашадиган шахс хусусиятлари иерархияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ишлаб чиқилган кўп омилли сўровноманинг ҳамда диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашадиган шахс хусусиятлари иерархиясининг репрезентативлиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диний нотўғри тушунчаларга эга ёшларга паст диний саводхонлик, таъсирга берилувчанлик, баланд конформлилилик, экстернал локус назорати, фрустрация, демонстративлик, хавотирли, таъсирланувчан, дистим ва параноялик типлари буйича акцентуациялар борлиги, диний аддикция каби шахс ҳислатлари хослиги, ижтимоий омиллар ёшларда диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига таъсир кўрсата олиши, тадқиқот учун ажратиб олинган шахс ҳислатлари миқдорий диапазонларда намоён бўлганда диний нотўғри тушунчалар ҳосил бўлишига олиб келиши, ўрганилаётган шахс ҳислатлари ичида битта энг яққол ифодаланган ва бир нечта кучли ифодаланган фазилатлар ажратиб кўрсатилган ва улар асосида диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашадиган шахс хусусиятлари иерархияси билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти назарий таҳлил асосида (шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, ижтимоий омилларнинг жамиятда интолерант хулқ-атвор шакллариининг пайдо бўлишига таъсири, толерантликнинг психологик-педагогик жиҳатлари, толерант фикрларнинг шаклланишига олиб келувчи психологик механизмлар, шахслараро муносабатларда шахснинг диний бирхиллиги ва толерантлиги ўртасидаги алоқадорлик, шахс тузилмасида тақвадорлик, диний нотўғри тушунчаларнинг моҳияти ва шаклланиши механизми) ҳамда эмпирик тадқиқот натижасида (ёшларнинг диний нотўғри тушунчаларини шакллантирувчи шахс хусусиятлари) олинган материаллардан шахсиятга хос тақвадорликни, диний толерантлик шаклланишини ўрганиш жараёнида, ёшлар орасида ксенофоб мақсадлар ва диний экстремизмнинг олдини олишда фойдаланилиши билан характерланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшларда диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишини белгилаб берувчи шахс хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзининг диний нотўғри фикрларидан воз кечмаган, диний-экстремистик ғояларнинг ашаддий тарафдорлари бўлган шахслар билан олиб борилган психодиагностика натижалари асосида, диний нотўғри тушунчаларнинг сақланиб қолишига мойилликни белгиловчи индивидуал хусусиятлар ва устун фазилатларни инобатга олган ҳолда, қўлланилаётган усулларнинг (тушунтириш, ишонтириш, ихлос туғдириш) самарадорлигини оширишга қаратилган коррекцион ишлар бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув-дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги илмий-амалий психология марказининг 2017 йил 28 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари талаба ёшларда диний нотўғри тушунчаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилган;

респондентларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, диний толерантликни шакллантиришга қаратилган психологик усулларни қўллаган ҳолда тарбиявий ишлар бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув жараёнларига жорий қилинган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги илмий-амалий психология марказининг 2017 йил 28 ноябрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижалари олий таълим муассасаси фаолиятида талабаларда диний нотўғри тушунчаларнинг моҳияти ва шаклланиши механизмини очиб беришга хизмат қилган;

диний саводхонликни ошириш, юксак маънавиятни мустаҳкамлаш, дунёвий қарашларга асосланган барқарор фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар орасида ксенофоб мақсадлар ва диний экстремизмни олдини олиш бўйича тавсиялардан Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ўқув жараёнларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги 89-03-3036-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари талабаларда диний саводхонликни ошириш, юксак маънавиятни мустаҳкамлаш, дунёвий қарашларга асосланган барқарор фуқаролик позициясини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий тадқиқот натижалари бта илмий ва илмий-амалий конференциялар– 2та халқаро ва 4та республика даражасидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10та мақола, жумладан, 8таси республика ва 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсад ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Диний нотўғри тушунчаларнинг назарий таҳлили**» деб аталган биринчи бобда илмий тадқиқотда фойдаланилган асосий тушунчалар берилган, диний нотўғри тушунчалар назарий таҳлил қилинган ва илмий ишнинг назарий-услубий асослари акс эттирилган.

Ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида психологик тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бири кўпоровчи деструктив диний оқимлар ва диний экстремизм муаммосини ўрганишдир. Бундай тадқиқотларнинг аҳамиятлилиги ва асосланганлиги шу билан боғлиқки, кўпоровчи оқимларга, сохта илмий ташкилотларга ёки диний-экстремистик гуруҳларга аралашиб қолиш одамнинг дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан нуқтаи назарини, қарашларини ўзгартириб юборади, у ўзи сезмаган ҳолда аста-секин ҳақиқий воқеликдан узилиб қолади. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичига диний нафратланиш ёки душманлик асосида содир этилаётган жиноятларнинг ортиб бориши ҳам хос.

Экстремистик руҳдаги жиноятларнинг негизини диний нотўғри тушунчалар ва бошқа дин вакилларига нисбатан салбий ниятлар ташкил қилади, улар ёшларга кўрсатилаётган кучли психологик таъсир билан бирга кўшилганда жамиятга қарши бўлган хатти-ҳаракатларга туртки беради.

Ёшларнинг ижтимоий-психологик муҳитида нотўғри диний тушунчаларнинг ролини ўрганиш психология фани учун алоҳида аҳамиятга эга, зеро, айнан шу ёшда йигит ва қизлар салбий таъсирларга, шу жумладан, «диний бўёқларга бўялган» таъсирларга мойил бўладилар.

Ўсмирлик таквадорликнинг энг юқори нуктасидир. Бу шу билан изоҳланадики, ушбу ёш босқичига юқори ҳиссий таъсирчанлик, беқарорлик, кайфиятнинг кескин ўзгариши хос. Бу даврда ўсмирлар ўз-ўзини англай бошлайдилар, барқарор «Мен» қиёфаси шаклланади – марказий психологик янгиланиш юз беради. Таквадорлик ёш йигит-қизлар учун ўзларининг ташқи дунёга муносабатини кўрсатиш учун улар қабул

қиладиган шахсий паттернга айланади. Фарқ фақат бу диннинг қайси туридалигида: одамларнинг салоҳияти ва имкониятларини ишга солишга ҳисса қўшадиган гуманистикми ёки уларни бўғадиган авторитарми?

Нотўғри тушунчалар шахс тузилмасидаги тафаккур, мулоқот ва меҳнат элементи сифатида босқичма-босқич шаклланади. Илк босқичда йўналиш юзага келади – объектлар ва воқеа-ҳодисаларни белгилаб олинган йўналишда қабул қилишга тайёргарлик.

Нотўғри тушунчалар шаклланишининг кейинги босқичида идрокнинг танланувчанлиги стереотипдан иборат бўлган специфик муносабатни ҳосил қилади. Г.Тэдждфел<sup>45</sup> назариясига мувофиқ, стереотиплар «Мен» ва «Бошқалар» ўртасидаги ўзаро таъсирлашув функциясидан иборат, улар ҳаракатчан, вазиятга боғланган бўлиб, гуруҳлараро муносабатлар моҳиятига боғлиқ, улар фақат мазкур муносабатлар ўзгаргандагина ўзгариши мумкин.

Кейинчалик стереотипланиш нотўғри тушунчалар – шахснинг психологик хусусияти шаклланишига олиб келади, у индивиднинг объектлар ва ҳодисаларни идрок этишдаги барқарор сохта эътиқодини акс эттиради. Нотўғри тушунчалар муаммосини ўрганишга бағишланган адабиётларда қайд этилишича, нотўғри тушунчалар – бу кўплаб ўзаро боғланган омиллар – иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-таркибий, ижтимоий-психологик омиллар таъсири. Нотўғри тушунчалар феноменининг ҳозирги аксарият изоҳлари гуруҳлараро муносабатлар психологиясига бориб тақалади<sup>46</sup>.

Диний нотўғри тушунчалар диний интолерантлик, ксенофобия, фанатизм, экстремизм ва диний жиноятчилик шаклида ўз ифодасини топиши мумкин.

Толерант ёки интолерант муносабатнинг асосини шахснинг ижтимоий бирхиллигини ташкил қилади, унинг тузилмасида ўзи мансуб референт гуруҳнинг ижобий образи толерантлик ёки муросасизлик билан, шунингдек замонавий жамиятнинг этник, маданий, диний хилма-хиллигини қабул қилиш ёки инкор этиш билан уйғунлашади<sup>47</sup>.

Индивидуал даражада диний ксенофобиянинг шаклланиши шарт-шароитлари шахснинг тарбияси хусусиятлари ва диний ижтимоийлашуви, унинг яқин атрофидагиларга таъсир кўрсата оладиган нуфузли шахслардир. Кичик гуруҳлар даражасида бу шарт-шароитлар – гуруҳларнинг ўзаро таъсирлашуви механизмлари, катта ижтимоий

---

<sup>45</sup> Tajfel H. Differentiation between social groups: Studies in the social psychology of intergroup relations. London, 1978, с. 63.

<sup>46</sup> Янчук М. Введение в специальность. Учебное пособие для вузов. - Минск: Асар, 2005. - с. 487

<sup>47</sup> Аксёнова Л.А, Кавун Л.В., Меньшикова Л.В., Шемелина Л.В. Психология личности. Психолого-педагогические аспекты толерантности: учебное пособие. - Новосибирск: Издательство НГТУ, 2014. 160 с.; Бродский Д. Некоторые психологические основы социальной толерантности // Сб. ст. Ростов-на-Дону, 2002. - с 142-159.; Виноградова Е.Г. Субъективные предпосылки толерантности личности: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. М., 2002. - 23с. Nicholson P. Toleration as a Moral Ideal // Aspects of Toleration/ Ed. by J. Horton, S. Mendus. London; New York, 1985.

гуруҳлар доирасида – устун мафкура, урф-одатлар ва анъаналар, шунингдек ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва демографик жараёнлар<sup>48</sup>.

Диний нотўғри тушунчаларнинг энг юксак ифодаси – диний фанатизм, диний экстремизм ва диний жиноятчилик – уларни диний патология деб аташ қабул қилинган. Ушбу ҳолатлар ўзаро бир-бирига боғлиқ, бир-бири билан алмашинади.

Турли тадқиқотчилар, деструктив диний оқимларга жалб қилинганликнинг асосини психологик мойиллик ва ижтимоий муҳит ташкил этади деган яқдил фикрни билдирадилар.

Диссертациянинг «**Ёшларда диний нотўғри тушунчаларни шакллантирувчи шахс хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида мазкур масалани ўрганишга концептуал ёндашувлар таҳлил қилинган, уларга кўра тадқиқотчилар, баъзи бир шахс хусусиятлари одамларнинг нотўғри фикрлашга мойиллигини белгилаб беради деб ҳисоблайдилар. Бунда, одам қанчалик ёш бўлса, у шунчалик индокринитик таъсирларга, яъни догмалар ва таълимотларни, шу жумладан диний догма ва таълимотларни қабул қилишга мойил бўлади<sup>49</sup>. Бу эса шу билан изоҳланадики, ёшлар теварак-атрофни таълим муҳити билан айнанлаштиради. Бундан ташқари, ўсмирликда кичик гуруҳда қабул қилинган мулоқот андозаларига мослашиш, яъни жамоадаги «ўйин қоидалари»ни қабул қилиш яққол ифодаланган бўлади.

Диний нотўғри тушунчалар шаклланишига диний саводхонликнинг пастлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатади, у конфессионал эътиқод асосларини яхши билмасликда намоён бўлади. Айнан дин соҳасидаги билимларнинг етишмаслигидан деструктив диний оқимлар мафкурачилари сохта, бузуқ ишончни шакллантиришда фойдаланадилар, улар ёшлар онгини бошқаришда диний ахборот элементларини мохирлик билан боғлай оладилар. Охир-оқибат, паст диний саводхонлик сохта фикрлар, фанатик мақсадлар ёки барқарор ксенофоб ёки диний-экстремистик қарашлар шаклланишига олиб келади.

Таъсирланувчанликнинг шахслараро ва гуруҳлараро мулоқотда ишга солинган шахснинг индивидуал хоссаси сифатидаги спецификлиги шундан иборатки, унинг юқори даражасида ахборот вербал ва/ёки новербал даражаларда қисман англанилмаган, йўналишли сигнал воситасида узатилади. Бу деструктив диний оқимлар мафкурачисига рекрут шахсни осон бошқариш ва унда диний нотўғри тушунчаларни шакллантириш имконини беради, шу билан бирга, кейинчалик ундан дезадаптив, инфантил, эрксиз шахслардан бошлаб, тажовузкор, суицидал террорчиларни ҳам қамраб оладиган янги персонал ва ижтимоий бирхиллик моделини яратиш мумкин.

---

<sup>48</sup> Кузнецова М.Н. Религиозный фанатизм: понятие, сущность и пути преодоления: автореф. дисс...канд. филос. наук: 09.00.11 / Марина Николаевна Кузнецова. – Омск., 2013. – с. 78.

<sup>49</sup> Salter F.K. Indoctrination institutionalized persuasion: Its limited variability and cross-cultural evolution / Indoctrinability, ideology and warfare: evolutionary perspectives. New York: Berghahn Books, 1998.

Асосий мақсадга эришиш – бошқалар онгини бошқариш жараёнида юқори конформлилиликдан деструктив диний оқимлар мафкурачилари етарлича тез-тез фойдаланиладилар, бунда улар одамларнинг ижтимоий бирхилликка кучли эҳтиёжини: индивиднинг ўзини ижтимоий гуруҳ аъзоси деб идрок этиши, шунингдек ушбу аъзоликни кадрлаши ва унга нисбатан ҳиссий эътиборлиликини инобатга оладилар<sup>50</sup>.

Конформ шахснинг заиф томони, айниқса у «ёшлар» ижтимоий гуруҳига мансуб бўлса – муҳит таъсирига ўта таъсирланувчанлигидир. Танлов вазияти юзага келганда кўпинча ёш одам референт гуруҳдаги расмий аксариятнинг таъсир жавобига қараб иш тутаяди, бу уни «вазият асири»га айлантиради<sup>51</sup>. Агар гуруҳда салбий ҳиссиётлар устун бўлса, «гуруҳ конформизми» механизми, катъий психологик аҳамиятлилики, гуруҳ стандартларига кўр-кўрона амал қилиш негизда ёш йигит ёки қиз салбий, ҳаттоки ғайриҳуқуқий хулқ-атвори намоён қила бошлайди. Ёшларнинг асосий психологик-ижтимоий ривожланиш босқичлари ва уларга мос келадиган инқирозлардан ўтиши конформлилиликнинг ортишини, тегишлича, деструктив диний оқимларга жалб қилинганлик эҳтимолининг ошишини назарда тутаяди.

Диний нотўғри тушунчаларни шакллантиришда ва деструктив диний оқимларга жалб қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган яна битта шахс хусусияти – экстернал локус назорати. Экстернал кишиларда кўпинча психологик ва психосоматик муаммолар юзага келади. Уларга хавотирлилики ва депрессивлик хос, улар фрустрациялар ва стрессларга, неврозлар ривожланишига кўпроқ мойил бўладилар. Экстернал локус назорати ҳаракатга эмас, балки ҳолатга йўналганликни, ўз-ўзини бошқара олмасликни, вазиятни кўлга ололмасликни, ўз фаолиятини режалаштира олмаслик ва мувофиқлаштирмасликни акс эттиради.

Мушкул ҳаётий вазиятларда одамларнинг динга суяниши – бу табиий хол, чунки ишонч турмуш муаммосини ҳал қилишга ва ҳаёт мазмунини тушунишга ёрдам беради. Кучли фрустрация ҳолатида динга мурожаат қилишга максимал даражада йўл қўйилади. Бунда танқидий идрок ва тафаккурнинг пасайиши ҳисобига фрустрацияланган шахсда ҳақиқий конфессионал фикрлар ҳам, диний нотўғри тушунчалар ҳам шаклланиши мумкин<sup>52</sup>.

Аддиктив хулқ-атворга мойиллик диний нотўғри тушунчалар шаклланиши жараёнини анча осонлаштиради. Бу эса шу билан изоҳланадики, аддиктлар таъсирларга осон берилади, уларни ишонтириш осон, улар ўз-ўзини ҳам осон ишонтирадилар, уларга аддиктив агентга барқарор боғланиш хос<sup>53</sup>.

<sup>50</sup> Tajfel H. Differentiation between social groups: Studies in the social psychology of intergroup relations. London, 1978, с. 63

<sup>51</sup> Кон, И.С. Психология старшекласника: пособие для учителей. / И.С. Кон. - М.: Просвещение, 1980. -191 с.

<sup>52</sup> Франкл В. О смысле жизни // Психология личности. Хрестоматия. Самара, 2000, с.417-422

<sup>53</sup> Атерберн С., Фельтон Дж. Вера разрушительная и вера помогающая. Теннеси, Канада, 1991. - с. 173.

Ижтимоий муҳит доим шахснинг шаклланиши ва ривожланиши омили сифатида тан олинган. Шу муносабатда таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда диний нотўғри тушунчаларнинг ҳосил бўлиши ва ёшларнинг деструктив диний оқимларга жалб этилиши ихтиёрий тартибда юз беради ҳамда ёшларнинг аввалги турмушида тайёрланган пойдевор билан мустаҳкамланади.

Диссертациянинг «**Диний нотўғри тушунчалар ва баъзи шахс хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни эмпирик тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида диний нотўғри тушунчалар ҳосил бўлиши, психологик индукция ва кўпоровчи деструктив диний оқимга жалб этилиши учун замин яратиши мумкин бўлган асосий шахс хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Кўпоровчи деструктив диний оқимларга жалб этилиши психологияси бўйича мавжуд тажрибадан келиб чиқиб, хусусий тақвадорлиги юқори бўлган шахснинг, шунингдек диний-экстремистик фаолиятга жалб қилинган ёки унга дахлдор шахсларнинг характериологик хусусиятлари очиб берилди.

Диний нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига мойилликни белгиловчи баъзи бир типологик белгилар аниқлаштирилди ва тўлдирилди.

«Мультиомилли сўровнома»нинг диагностик шкаласи белгилаб берилди.

Бошқа муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва илмий тадқиқотларда ўзини оқлаган мавжуд психологик методикалар асосида диагностик рағбатлантириш материали танлаб олинди.

Ўрганилаётган муаммонинг спецификлиги, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси менталитетининг хусусиятлари муносабати билан, шунингдек исломга зид диний омилни ташҳислаш режалаштирилаётганини ҳисобга олиб, «Мультиомилли сўровнома» модификация қилинди.

Барча диагностика шкалалари муаллифлар сўровномалари билан тўлдирилди. Психодианостик материалга амалий йўналиш бериш мақсадида илмий адабиётларни ҳамда бир қатор амалий материалларни таҳлил қилиш асосида «Диний толеранлик» ва «Диний саводхонлик»нинг муаллиф шкалалари ишлаб чиқилди.

Натижаларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида «Мультиомилли сўровнома» қўйидаги параметрлар билан мувозанатлаштирилди:

- ҳиссий белги бўйича;
- атрибуциялар йўналиши бўйича;
- интавертивлик бўйича;
- гендер омили бўйича;
- ёш тоифаси бўйича;
- тасодифий изчиллик принципи бўйича.

Диний нотўғри тасавурлар ва баъзи бир шахс хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни психологик жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича ишлар танлаб олинган 430та респодентлар билан олиб борилди: 66та



респондентпсихометрик баҳолаш гуруҳини ташкил қилди (экстремал гуруҳ), 151та респондент – «ТЖК» назорат гуруҳини (делинквент танланма), 230та респондент – нормал танланма, улардан 130таси Тошкент ислом университетининг («ТИУ») 1 ва 2 босқич талабалари, 100таси эса – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг («ЖТИ»)1 ва 2 босқич талабалари. Типик қонуниятларни аниқлаш учун танланма битта ёш тоифасида – ҳар икки жинсга мансуб ва демографик белгилари ҳар хил бўлган 18дан 30 ёшгача «ёшлар» орасидан олинди.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ҳар бир танланмада диний интолерантлик ҳамда диний нотўғри тушунчалар шаклланишига кўмаклашувчи шахс хусусиятлари борлигини кўрсатди, уларнинг миқдор кўрсаткичлари 1-жадвалда берилган.

**1-жадвал**

Шахс ҳислатлари		Делинквент танланма Назорат гуруҳи «ТЖК» (N=120)	Нормал танланма					
			«ТИУ» (N=119)		«ЖТИ» (N=92)			
интолерантлик (нотўғри фикрлаш)	умумий	57%	6%		5%			
	диний	<b>74%</b>	<b>13%</b>		<b>11%</b>			
<b>УЛАРДАН:</b>								
диний саводхонлик	паст	<b>78%</b>	<b>87%</b>	<b>40%</b>	<b>69%</b>	<b>68%</b>	<b>96%</b>	
	етарли эмас	9%		29%		28%		
умум								
баланд(ёки юқори)ишонувчанлик		44% (25%)	14% (46%)		13% (34%)			
юқориконформлилилик		63%	32%		20%			
локус назорати	экстернал (ЕХТ - ташқи)	27%	8%		4%			
	аралаш (ЕХТ тенденцияси)	23%	26%		21%			
